



230100, Nökis qalasi, Dosnazarov köshesi 62-üy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

2021-j. «17» декабрь

№ 01-01/3-5700

«__» 2021 г.

Қорақалпоғистон
Республикаси Молия вазири
М.Содиқовга

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 ноябрдаги 716-сонли “Ёшларни “Бир миллион дастурчи” лойихаси доирасида ўқитиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ҳамда ушбу Қарор ижросини таъминлашга қаратилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 174-13-0-Q/21-сонли Қарорида, “Бир миллион дастурчи” лойихаси доирасида ёшларга компьютер дастурлаш соҳасида таълим олишда кенг имкониятлар яратиш ҳамда умумтаълим мактабларини замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш бўйича топшириқлар белгиланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 141 та умумтаълим мактабларини, белгиланган минимал меъёрлар ва техник талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2022 йил 1 мартгача замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш топшириғи белгиланган. Бунда, белгиланган 141 та мактаблардан 86 тасига компьютерлар хариди учун зарур бўладиган маблағнинг бир қисмини жорий йилнинг охиригача, қолган қисмини эса 2022 йилнинг 1 мартга қадар маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилиши кераклиги ҳақида кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қайд этилган норматив ҳужжатларда белгиланган топшириқларни ўз вақтида ижро этиш ва “Бир миллион дастурчи” лойихаси доирасида ёшларга компьютер дастурлаш соҳасида таълим олишда кенг имкониятлар яратиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги белгиланган **86 та умумтаълим мактабларни минимал меъёрлар ва техник талаблардан келиб чиққан ҳолда** замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш




мақсадида, ушбу 86 та мактабларга **компьютер жамланмалари** харид қилиш учун зарур бўладиган **жами 8 481,3 млн сўм маблағнинг бир қисмини жорий йилнинг охиригача, қолган қисмини эса 2022 йилнинг 1 мартига қадар маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилишида** амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 86 та умумтаълим мактаблар рўйхати ҳамда харид қилиниши керак бўлган компьютер техникаси учун белгиланган минимал меъёрлар ва техник талаблар **иловада** келтирилган.


Илова: электрон кўринишда.

Вазир



Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93. 485-17-51



Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin



www.uzedu.uz



t.me/uzedu



facebook.com/uzedu



instagram.com/uzedu.uz